

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КРЕАТИВЛИКНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

Ш.Д.Аблакулов

Низомий номидаги ТДПУ Педагогика ва психология факультети ўқув
ишлари бўйич декан ўринбосари

Аннотация: Ушбу мақолада таълим жараёнида бўлажак педагогларнинг касбий креативлигини шакллантириш омиллари, креатив педагогика, педагогик-психология доир фанларнинг умумий асослари, бўлажак мутахассисларнинг касбий камол топишлари учун зарур шарт-шароитни яратишга хизмат қилиши ҳақида фикрлар юритилган.

Калит сўзлар: таълим жараёни, касбий креативлик, бўлажак педагог, касбий камол топиш, функционал босқич, педагогик-психология.

Аннотация: В данной статье рассматриваются факторы формирования профессионального творчества будущих педагогов, общие основы творческой педагогики, педагогики-психологии, а также необходимые условия профессионального развития будущих специалистов.

Ключевые слова: образовательный процесс, профессиональное творчество, будущий педагог, профессиональное развитие, функциональный этап, педагогика-психология.

Abstract: This article examines the factors in the formation of professional creativity of future teachers, the general foundations of creative pedagogy, pedagogy-psychology, as well as the necessary conditions for the professional development of future specialists.

Key words: educational process, professional creativity, future teacher, professional development, functional stage, pedagogy-psychology.

Биогенетик қонунга кўра, шахс психологиясининг индивидуал ривожланиши (онтогенез) бутун инсониятнинг тарихий ривожининг (филогенез) асосий босқичларини қисқача такрорлайди. Биогенетик

назариянинг қарама-қарши кўриниши социогенетик назариядир. Бу назарияда шахсда рўй берадиган ўзгаришларни жамиятнинг структураси, ижтимоийлашиш усуллари, атрофдаги одамлар билан ўзаро муносабат воситалари асосида тушунтирилади. Ижтимоийлашиш назариясига кўра инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётдаги ижтимоий шарт-шароитларнинг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Таълим олувчиларнинг аниқ мақсадга қаратилган таълим олиши жараёнида онгли фаолиятнинг функционал тизими жараёнлари юзага келади. Ана шулар туфайли таълим олувчи таълим муассасасида билимларни, куникма ва малакаларни, ижтимоий тажрибаларни ўзлаштирибгина қолмай, балки ўзининг идроки, тафаккури, ҳаёли, ҳиссиётлари ва иродасини, бир сўз билан айтганда, воқеликка бўлган онгли муносабатини ҳамда ўз ҳаракатлари ва хулқ-атворининг мотивларини таркиб топтиради.

Таълим олувчи шахсининг барча хусусиятлари, муносабатлари ва ҳатти-ҳаракатлари унинг ҳаётий фаолиятида маълум ролни бажарувчи ва ҳар бири мураккаб қурилмадан иборат бўлган ҳамда шартли равишда тўртта ўзаро мустақкам боғланган функционал босқичларга бирлаштирилади:

Биринчиси -бошқарув тизими;

Иккинчиси - стимуллаштириш тизими;

Учинчиси – стабилизациялаш тизими;

Туртинчиси – индикациялаш тизими.

Шахснинг ана шу ижтимоий аҳамиятга эга бўлган барча сифатлари ижтимоий тараққиётнинг юксак онгли фаолиятчиси сифатидаги унинг хулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатларини белгилайди.

Биринчи тизимнинг ҳосил бўлишида анализаторлар ўртасидаги доимий табиий алоқани акс эттирувчи филогенетик механизмлар катта роль ўйнайди. Бирок, онтогенез процессида филогенетик анализаторлар ўртасидаги алоқа вақтли алоқалар билан органик жиҳатдан қушилиб келадилар. Бунда мазкур

Тизимнинг ичида перцептив тизимига ўтиб кетадиган юксак даражада интеграцияланган маълум ички сенсор комплексларни ҳосил қилади. Бундай комплекслар қаторига нутқ, эшитиш, куриш ҳамда сенсомотор комплексларни киритиш мумкин. Мана шу комплексларнинг ҳаммаси таълим олувчининг ҳаёт-фаолияти жараёнида ўзаро бир-бири билан доимий алоқага киришиб, сенсор-перцептив уюшишнинг ягона функционал динамик тизимини яратади. Унинг сенсор-перцептив жиҳатлари ўқиб-урганиш мобайнида доимо такомиллашиб боради.

Иккинчи тизим барқарор психик ҳолатларни ўз ичига олади. Бу ҳолатлар таълим олувчининг аниқ мақсадни кузловчи ва фойдали фаолиятининг онгли субъект сифатида илмларни урганиб бошлаган дастлабки йилларидаёқ шакллана бошлайди. Темперамент, интеллект, билим ва муносабат ана шундай хусусиятлар жумласига киради. Таълим олувчининг интеллекти, билимларининг мунтазам ошириб бориши, ҳаётга, жамиятга ва инсонларга, ўзига муносабати, ишончи муҳим ўрин тутаяди.

Учинчи тизим - шахсни арбоб сифатида стабилизация тизимидир. Таълим олувчининг йуналтирилганлиги, шахсий қобилиятлари, мустақил фикрлари ва характери унинг таркибий қисмини ташкил этади.

Йуналтирилганлик - шахснинг интеграл ва генерализация килинган хусусиятидир. Интеграл — (лот. «бутун, тикланган») - узвий боғлиқлик, бутунлик, бирликдир. Генерализация (лот. «умумий, бош») - шартли ва шартсиз рефлексларнинг умумлашиши.

Йуналтирилганлик билим, муносабатларнинг ҳамда шахснинг ҳуқ-атвори ва ҳатти - ҳаракатларида ижтимоий аҳамият етакчилик қилган мотивларнинг бир бутун эканлигида ўз ифодасини топади. Бу хусусият таълим олувчининг дунёқарашида, қизиқишларида, маънавий эҳтиёжларида ва маънавиятида намоён булади.

Йуналтирилганлик структурасида ғоявий эътиқод катта роль ўйнайди. Ғоявий эътиқод - бу билимнинг, ўша шахсга хос бўлган интеллектуал, эмоционал ва ирода сифатларининг синтези, ғоялар ва ҳатти - ҳаракатлар бир бутунлигининг негизидир.

Туртинчи тизим ўз ичига шундай хусусиятлар, муносабатлар ва ҳатти-ҳаракатларни оладики, уларда реал шахсларнинг ижтимоий «ўй фикрлари ва хис - туйғулари» акс эттирилади. Улар бу шахсларнинг сиёсий жиҳатдан онгли, ижтимоий тараққиётнинг масъул арбоблари сифатида хулқ-атворини белгилаб беради. Бунга инсонпарварлик, жамоавийлик, оптимизм ва меҳнатсеварлик фазилатлари киради.

Таълим олувчи шахсининг шаклланиши ҳақида гапирар эканмиз, албатта у яшаётган муҳит, кишилар, жамиятнинг роли жуда каттадир. Масалан, маҳаллада инсон шахсининг таркиб топишига фаол таъсир кўрсатувчи ўзига хос ижтимоий муҳит бор. Бу ерда шундай бир савол туғилади. Ташқи муҳит таълим олувчи шахсининг таркиб топишига қандай таъсир қилади?

Биринчидан, ижтимоий муҳитдаги турли ҳодисалар таълим олувчининг (ҳар бир инсоннинг) онгига бевосита таъсир қилиб унда чуқур из қолдиради. Иккинчидан, ташқи ижтимоий муҳит таъсирининг чуқурроқ ва мустаҳкамроқ бўлишига инсоннинг ўзи ёрдам беради. Маълумки, болалар ўз табиатларига кўра, илк ёшлик чоғларидан бошлаб ниҳоят даражада тақлидчан бўладилар, улар катта одамларнинг барча ҳатти-ҳаракатларига бевосита тақлид қилиш орқали бу ҳатти-ҳаракатларни, яхши-ёмон фазилатларни ўзларига сингдириб борадилар. Шунинг учун болалар оилада, куча - куйда катта одамларнинг ҳар бир ҳаракатларини, ўзаро муносабатларини зимдан кузатиб турадилар. Коллеж таълим олувчилари ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Маълумки, касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг интеграцияси сифатида акс этади. Бироқ, касбий-ижойий фаолият кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафақат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис

сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқишни эмас, шу билан бирга касбий ижодкорлик методологиясидан хабардор бўлиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларининг етарли даражада ўзлаштирилиши талаб этади. Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва камрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётининг муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ.

Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин. Ўқитувчининг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этилаётган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида акс этади. Сўнгги йилларда ушбу ҳолат “Педагогик креативлик” тушунчаси билан ифодаланмоқда. Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин. Ўқитувчининг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этилаётган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида акс этади.

Сўнгги йилларда ушбу ҳолат “педагогик креативлик” тушунчаси билан ифодаланмоқда. Замонавий педагогикада “Креатив педагогика” предмети педагогика тарихи, умумий ва касбий педагогика ҳамда психология, хусусий фанларни ўқитиш методикаси, таълим технологияси ва касбий этика каби фанларнинг методологик ғоялари ташкил этади. “Креатив педагогика” фанининг умумий асослари мутахассис, шу жумладан, бўлажак мутахассисларнинг касбий камол топишлари учун зарур шарт-шароитни яратишга хизмат қилади.

Шахснинг мутахассис сифатида касбий камол топиши, ривожланиши ўз моҳиятига кўра жараён тарзда намоён бўлади. Касбий етуклик инсон онтогенезининг муҳим даврлари касбий камол топиш, ривожланиш ғояларининг қарор топиши (14-17 ёш)дан бошланиб, касбий фаолиятнинг

яқунланиши (55-60 ёш)гача бўлган жараёнда кечади.

“Креатив педагогика” қуйидаги икки ҳолатни кафолатлай олиши зарур:

- ўқитувчилар томонидан ўқув фанларини паст ўзлаштираётган ва уларини ўрганишни зерикарли деб ҳисоблаётган талабалар эътиборларини фан асосларини ўзлаштиришга жалб этиш;

- ўқитувчиларга талабаларда креатив фикрлаш ва ижодий фаолият натижаларини рағбатлантиришга хизмат қиладиган стратегия ва воситаларни тавсия этиш қилиш орқали аудиторияда улардан самарали фойдаланишлари учун имконият яратиш.

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлмаслиги туфайли талабалар ҳам кизиқарли ва ажойиб ғояларга эга бўлсалар-да, бироқ, уларни ифодалашда сусткашликка йўл қўяди. Бунинг сабабли таълим жараёнида қўлланилаётган методлар талабаларда эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмаслиги билан белгиланади.

Биз тавсия қиладиган восита ва стратегиялар талабаларда креативликни ривожлантиришда ўқитувчилар учун қўл келади ҳамда талабаларда ўқув

Ижодкор шахснинг шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташқи олами ўзгаришининг ўзаро мос келиши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда инсон онтогенгизи – туғилишидан бошлаб то умрининг охирига қадар узлуксизлик, ворисийликни тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Андриенко Е.В. Социальная психология/Под ред. В.А.Сластенина. М. 2003
2. Антропова Л.В. Акме-технологии в профессиональной подготовке учителя адаптивной школы// Школьные технологии. 2003. №6

3. Жумабоев С.М. Непрерывное педагогическое образование как условие успешной адаптации молодых учителей // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2007. – № 4. –Б. 49-56. (13.00.00. №9)